

ИБОРАЛАР - ЛЕКСЕМАНИНГ БОЙИШ МАНБАЛАРИДАН БИРИ**Сайфиддинова Нафосат***Термиз давлат Педагогика институти
Филология факултети Ўзбек тили ва адабиёти
йўнлиши 3-босқич 305-гуруҳ талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолади ўзбек тилидаги иборалар, уларнинг қўлланилиши, омоним ва синонимлик хусусиятлари, сўз туркумлари ўрнида ҳам кела олиш, кела олмаслиги ҳамда қайси услубларда иборалардан унумли фойдаланиш мумкунлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Ибора, феъл, равиш, сифат, омоним, миноним, илмий, бадий, мақол, матал.

Тилмизда бир қолипга тушиб қолган бирликлар иборалардир. Иборалар бирдан ортиқ бўлган мустақил сўзлардан ташкил топади. Ибораларнинг яна бир номи **Фразеологизмлар** ҳам дейилади. Бу соҳани ўрганувчи бўлим Фразеология деб номланган яни грекча “Пхрарис-“ифода” логос-таълимот “ деган маъно англатади. Бундан ташқари иборалар фразеологик бирлик, турғун бирикма, барқарор бирикма атамалари билан ҳам юритилади. Бу тилиимизнинг сўзларга бойлигидан далолат беради.

Иборалар лексикалогия бўлимининг таркибий қисми ҳисобланиб, тузилига кўра қўшма лексема, сўз бирикмаси ва гапга ўхшайди. Кўпинча иборалар қўшма лексемадек жамият онгида тайёр ва барқарор ҳолда яшайди.

Ибораларда таркибида қатнашган сўзларни алмаштириб ёки тушириб қолдириш мумкин эмас. Улар бир бутунликда маъно англатади. Иборалардаги сўзлар ўз маноларини йўқотиб, кўчма маъно яни янги маъно ифодалайди. Масалан, **тепа сочи тикка бўлди**(аччиқланди), **капалаги учди**(кўрқди), **оғзининг таноби қочди** (хурсанд).

Иборалар сўзлашув ва бадий услубларда унумли фойдаланилади. Иборалар одий бирикмалар билан шаклан ўхшаш бўлиб ҳам келади. Масалан, **қўли очиқ яни бармоқлари йойилган, кўчма маънода эса саҳий**.

Сўз бирикмаси шаклида: Бўзчининг моксидай, ўзига келмоқ, юраги ёрилмоқ, кўнгли бўш, жиғига тегмоқ.

Гап шаклида: капалаги учди, иши ўнгидан келди, юрагига қил сиғмайди, истараси иссиқ, подадан олдин чанг чиқармоқ, кўвушини тўғирлаб қўйди, ичи очиқ, ичи қора, кўнгли тоза.

Лексемаларнинг ҳосил бўлишида ҳам иборалар манба бўлиб хизмат қилади десак нотўғри бўлмайди. Лексик бирликлар ибораларни, иборалар эса лексемаларни ҳосил қилишга ҳам йрдам берар экан. Масалан, **дардисар, тошбағир, бошоғрик**.

Ибораларнинг гапда битта бўлак фазивасида келиши, кўчма маънода қўлланилиши, тайёр ҳолда мавжудлиги ҳамда образлиликка эга эканлиги асосий хусусиятларидир. Иборалардек мақол ва маталларни ҳам ўзгартириб бўлмайди.

Гапда тайёр ҳолда ишлатилади. Ўзгартириб бўлмаслиги учун ибора, матал, мақоллар барқарор бирикмалар деб юритилади.

Иборалар одатда ҳаракат ва белгини ифодалаб келади. Шундай экан иборалар белги ва ҳараатни билдирувчи сўз туркумларига ҳам мансубдир.

Сифат туркумига оид иборалар: юраги тоза, кўнгли оқ, ранги совуқ, ичи қора, кўзи оч, боши очиқ, қалби пок, авзойи бузуқ, кўнгли ҳира, тепса тебранмас,

Фел туркумига оид иборалар: тепа сочи тикка бўлди, ерга урмоқ, подадан олдин чанг чиқармоқ, сув кўрмай этик ечмоқ, оғзига талқон солмоқ.

Иборалар қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганилаган.

1. Илмий иборалар: имкониятлар доираси, назар ташламоқ.

2. Эскирган иборалар: енг силкитмоқ, калласини ҳам қилмоқ.

3. сўзлашувда қўлланиладиган иборалар: арпасини хом ўрмоқ, кўзи қон.

4. бадий иборалар: бошида ёнғоқ чақмоқ, оғздан боди кириб, шоди чиқади, қилдан қийиқ ахтармоқ.

Ибораларлар гаплар таркибида қуйидагича келиши мумкин.

1. Ойимнинг негадир жаҳли чиққан, қовоғидан қор ёғиб турибди. 2. Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб ёқамизни ушладик. 3. Шодиёрнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, уйга қайтиб келди. 4. Ўпкангизни босиб олинг, ҳали вақт бор. 5. ҳеч бир сўз демай, жони узилди. 6. Университетимизни кўриб абутуриентларнинг оғзи очилди. 7. Дилдоранинг ҳафсаласи пир бўлди. 8. Ишнинг ўзини билгунча кўзини бил. (мақол).

Иборалар синонимлик ва омонимлик хусуиятларига ҳам эга. Қуйидаги мисолларни келтириб ўтамиз.

Синонимлик хусусияти: 1. Опам миридан сиригача барчасини гапириб берди. Муаммони ипидан игнасигача гаплашдик. 2. Бу хурсандчиликдан теримга сиғмай кетдим. Ишимиз ҳал бўлса, бошимиз осмонга етар эди.

Омоним хусусияти: Юрагини ёрди яни 1. Дардини айтди, 2. кўрқди.

Иборалар нутқимизнинг таъсирчанлигини оширади ва тامينлайди. Бадий услубда образлиликни оширади. Сўзлашув услубида тасирчанликни, ихчам ва тушунурлиликни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умуркулов.Б., Умуркулов З . Ўзбек тилининг амалий гармматикаси. Термиз.2018.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили., Сайфуллаева.Р., Менглиев.Б, Боқиева.Г., Қурбонова. М, Юнусова.З., Абузалова. М. Тошкент. 2010.
3. Раҳимов.С., Умуркулов.Б, Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т,: Ўқитувчи, 2003. Дарслик, ЎЗ.Р ОТВ тас.